



«Тасдиқлайман»
Акциядорлик тижорат Халқ банки
Бошқаруви Раиси ўринбосари
Ш.Х. Атабаев

« 11 » январь 2017 г.

РЕГЛАМЕНТ

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими иштрокчилари учун “СМС-хабарнома” хизматини кўрсатиш регламенти

1. Хизмат (паспорт) тавсифлари

1.1. Хизмат номи

*Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимидан
“СМС-хабарнома” олиши.*

1.2. Ҳуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сон Фармонига асосан Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2004 йил 21 декабрдаги 595-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 250-сонли Қарори.

1.4. Хизматдан фойдаланувчилар

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими иштирокчиси бўлган жисмоний шахс

2. Мижознинг банк томонидан рўйхатга олиниши

*2.1 “СМС-хабарнома” хизмат туридан фойдаланиш учун жамғариб бориладиган пенсия тизимида **ихтиёрийлик** асосида иштирок этаётган фуқаролар доимий яшаш жойидаги Халқ банки филиалига, **мажбурий** тартибда иштирок этаётган фуқаролар асосий иш жойи солиқдан рўйхатга олинган жойидаги Халқ банкининг туман(шаҳар) филиалига ариза билан мурожаат қилади.*

2.2 Ариза банк филиали раҳбарияти томонидан кўриб чиқилиб, маъқуланганидан сўнг банк филиалининг ушбу хизмат тури бўйича расман шугулланадиган масъул ходими томонидан Халқ банкининг жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона маълумотлар электрон базасига миждознинг аризасидаги рекувизитлари асосида тегишли маълумотлар киритилади.

2.3 “СМС-хабарнома” хизмат турини йўлга қўйиши билан боғлиқ муносабатлар банк билан миждоз ўртасида ўзаро тузиладиган шартнома амалдаги қонунчилик доирасида тартибга солинади.

3. Ишлаш тартиби

3.1. Миждоз банк базасига уланган кундан бошлаб, у томонидан тақдим этилган маълумотларга асосан банк дастурий таъминотида шакллантирилган “СМС-хабарнома” хабарларини ўз мобил алоқа воситаси орқали олиши мумкин.

3.2 Миждознинг шахсан ўзи мобил алоқа воситалари орқали қабул қилинган “СМС-хабарнома” хабарларининг сир сақланиши бўйича жавобгардир.

3.3. Миждозга унинг ҳисобварағидаги маблағлар тўғрисидаги маълумотлар, уяли алоқа воситаси орқали юборилган сўров асосида “СМС-хабарнома” хизмати кўрсатилади.

4. “СМС-хабарнома” хизмат тури билан боғлиқ харажатлар ҳисоби

4.1. Банк томонидан миждозга, “СМС-хабарнома” хизмат туридан фойдаланиши учун жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими электрон маълумотлар базасида рўйхатга олинган заҳоти ҳамда йилига бир марта календарь йилнинг охири кундаги ҳолати бўйича уларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги пенсия жамғармаси тўғрисида беғул СМС хабарлар юборилади.

4.2 “СМС-хабарнома” хизмат туридан маълумотлар олиши учун юбориладиган СМС сўров хизмат ҳақи миждоз билан тузиладиган шартномада кўрсатиб ўтилган нарх бўйича миждознинг мобил ҳисобрақамидаги қолдигидан мобил алоқа операторлари томонидан автоматик тарзда ечилади.

5. “СМС-хабарнома” тизими иш фаолиятини тўхтатилиши

5.1. “СМС-хабарнома” хизматидан фойдаланиши жараёнида миждоз банк филиалига тақдим этган маълумотларнинг нотўғрилиги аниқланган вақтда ушбу каналнинг автоматик тарзда ёпилишига олиб келади. Бундай ҳолатда тизим фаолиятини тиклаш учун миждоз банк филиали раҳбари номига ариза билан мурожаат қилиши ҳамда тақдим этилган маълумотларни аниқлаштириши лозим. Шундан сўнг “СМС-хабарнома” тизими банкнинг масъул ходими томонидан очилади.

6. Хавфсизлик ва ахборотларни ҳимоя қилиш

6.1 Мобил алоқа тармоқлари орқали миждознинг ҳисобрақамлари бўйича жўнатилган “СМС-хабарнома” хабарлари банкдаги жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона электрон маълумотлар базасида ахборот хавфсизлиги қоидаларига риоя этилган ҳолда сақланади.

6.2. “СМС-хабарнома” тизими орқали банк сирига оид ахборотларни учинчи шахсларга тақдим этилиши ҳоллари рўй бермаслиги учун Халқ банкининг туман (шаҳар) филиали жамғариб бориладиган пенсия ҳисобини юритиши ва назорат қилиши шўъба мудури/бўлим бошлиғи шахсан жавобгар ҳисобланади.

6.3. Миждоз томонидан шартномада кўрсатилган мобил телефон рақами ўзгарганда, йўқотилганда ёки рақамдан фойдаланилмаган ҳолларда миждоз 3 (уч) банк иш кунни давомида шартномани бекор қилиши ёки ўзгартириши киритиши мумкин.

   